

ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ-БАДИИЙ ДИДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕЗОНЛАРИ

Б.Б.Ражапбаев - ассистент ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: педогогика, мусиқа, мусиқа мактаблари, мусиқий дид, дарс ўтиш, мустақил таълим, мусиқа ва санъат этикаси, мусиқа этикаси.

Ключевые слова: педагогика, музыка, музыкальные школы, музыкальный вкус, преподавание, самостоятельное обучение, этика музыки и искусства, этика музыки.

Key words: pedagogy, music, music schools, musical taste, classroom, independent education, music and art ethics, music ethics.

Бизга тарихдан маълумки жамият келажаги, яшаш шароити, унинг тараққиёти, санъати ва маданияти қай даражада тараққий этгани билан белгиланади.

Шу боисдан ҳозирги мустақил тараққиёт йўлидан илдам бораётган давлатимизнинг узлуксиз таълимни ислоҳ қилишда ва такомиллаштиришда, янги сифат босқичига тезроқ кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш учун ҳамда самарадорлигини оширишда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам ҳозирги кунда бизга сир эмас. Таълим-тарбия жараёни жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда педагог «ўзи таълим бераётган фанларини чуқур билиши, таълимий фаолият ўтказиш методикасини пухта ўзлаштириб олган бўлиши зарур».

Таълим жараёни ва мураккаблиги шундаки, модернизация шароитида Республикада таълимнинг самарадорлигига эришиш бу дегани, қўплаб омиллар, хусусият ва тенденциялар бўлишини талаб қилади.

Биринчи навбатда, таълим олувчи ўқувчи ва таълим берувчи ўқитувчидаги мотив шаклланганлиги, ва уларнинг орасида ўзаро мансуб бўлган муносабат фаоллиги нуқтаи назаридан боғланганлиги, ўқувчининг янги билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиши, ўқитувчи дарсни ташкил этишда унинг мукамаллигига, тўғри ташкил этилишига, методика эса талабга жавоб берадиган юқори даражада тузилганлиги каби хусусиятларни ўзида аниқ мужассамлаштирган бўлиши лозим.

Таълимнинг барча бўғинларида таълим мазмуни, шу жумладан мусиқий таълим ва тарбия мазмуни ҳам миллий негизда янгиланди. Фан дастур ва дарсликлари янгидан ишлаб чиқилди ва уларни такомиллаштириш ишлари бугунги кунда ҳам муваффақиятли тарзда давом эттирилмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки бу каби силжишларда таълимда

мусиқий педогогик илмий ишларини юри-таётган бир қатор олимларимизнинг ишлари натижасидир.

«Миллий мусиқамиз қонуниятларига қиёслаб қардош халқлар ва умумбашарий мусиқа маданияти билан танишиш, яъни «таълимда умуминсоний ва миллий-маданий кадрятларнинг устуворлиги»га амал қилиш мусиқа ўқитишнинг муҳим дидактик йўналиши ҳисобланади». Ўзбек ва қорақалпоқ миллий мусиқа санъати республикамизда яшаётган халқнинг маданий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда халқ турмушининг санъатдаги бадиий инъикоси сифатида ривожланиб келган. Дуниёга маълумки «шарқ халқлари тарихи, жумладан адабиёти, санъати ҳақида ўлмас асарлар яратган алломалар, ва шоирлар асарларининг барча фанлар қатори мусиқа санъатининг минг йиллик тарихи, ўзига яраша ижро услублари, анъаналари, жанр йўналишлари, турли удумлар ва маросимлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларга кенг ўрин берилган». Қорақалпоқ халқининг оғзаки анъанадаги халқ мусиқаси мазмунида халқ ижтимоий ҳаётининг деярли барча қирралари ўз аксини топган десак биз асло янглишмаймиз.

Шарқ халқлари уйғониш даврида асосан Ўрта Осиё, шу жумладан қорақалпоқ ва ўзбек миллий мусиқаси айниқса оғзаки анъанадаги касбий (мумтоз мусиқаси) жанри ривожини йўлида муҳим ишлар амалга оширилди. Бу ривожланиш ўзини қай юсинда нималарда ўз ифодасини топди деган саволларга биз қуйидагича жавоб беришимиз мумкин:

1. Мусиқа илми (назарий ва амалий ижрочилиги, шунинг миллий чолғулар)да ниҳоятда катта аҳамиятга молик махсус асарлар ёзилди;

2. Янги чолғулар яратилди такомиллаштирилди;

3. Мумтоз (мақом) мусиқанинг шаклланиши, ривожланишида муҳим аҳамиятга эга чолғу қуйлари ва қўшиқлар вужудга келди;

4. Санъат соҳасида ижод қилувчи профессионал кишилар пайдо бўлди ва улар учун имконият яратилди;

5. Шарқ уйғониш даври биринчи босқичида ўзбек мумтоз мусикасининг энг ноёб ва мураккаб тури мақом ижодиёти йўналишида муваффақиятли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз йиллар ўтиб мустақилликка эришилганимиздан сўнг жамиятнинг ижтимоий маданий ҳаётини ва унинг барча соҳаларидаги бўлгани каби мусиқа санъатидаги ўзликни яъни миллий негизини мустаҳкамлаш, ёш авлодларга миллий мусиқий меросни чуқур ва атрофлича ўрганиши, таълимнинг барча бўғинларида миллий мусиқий намуналарни ўрганиши, шулар орқали ўқувчилар бадиий тафаккури ва мусиқий дидини шакллантиришга устувор аҳамият берилди. Мусиқа санъати барча санъат турлари каби инсон руҳияти ҳамда ҳаётдаги воқеликларни ўзига хос бадиий ифода этувчи восита сифатида, шунингдек, бутун оламни бадиий идрок этишнинг ўзига хос шакли бўлиб «мусиқа идроки дарс машғулотларида етакчи фаолият сифатида муҳим рол ўйнайди». Мусиқа асари хоҳ композитор, хоҳ бастакор ёки халқ ижодиётига тегишли бўлмасин, муайян ижодкор шахс томонидан яратилади. Ўз навбатида ижодкор муайян тасаввур, кечинма, ҳис-туйғуларидаги ифодаси ўлароқ бадиий образлар воситасида юксак идеаллар, инсоний фазилятларни ўз асарида ёритади. Мусиқада табиат манзаралари, инсонларга хос ўзига яраша хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар руҳий ҳолатлар, хурсандчилик ёки аксинча салбий ҳолат, ғам, алам, тушқунлик, изтироб, фироқ каби ҳолатлар ифодаланади. Инсон руҳиятида мусиқий оҳанглар таъсирида муайян психологик ҳолатлар тасаввурли кечинма, ҳис туйғу (хурсандчилик лаззатланиш, қониқиш, завқ, жўшқинлик, ғурур, ғамгинлик, қайғуриш, изтироб чекиш, ачиниш, ҳамдардлик) лар каби бир неча ҳис туйғулар пайдо бўлади ва мусиқага унда тасвирланган воқеа, ҳодиса ва қарашларга ўзига хос ижобий ва салбий муносабатларни, қайфиятни юзага келтиради. Бу қайфият ижобий ва салбий бўлишидан қатъий назар шахснинг онгида, тафаккурида муайян қараш, фикр, ғоялар баҳсига сабаб бўлади. Бу жараённинг тизимли ва давомийлик

тамоийилларига кўра таълим мазмунидаги тадрижий сифати равишда ривожланиб бориши инсонларда дидлар баҳсини юзага келтириб чиқаради. Яъни аста-секинлик билан таълим жараёнида ўқувчи мусиқанинг сеҳрли оламига қанчалик кириб бориши давомида унда асарларни «яхши», «ёмон», «ёқимли», «ёқимсиз», «мазмунли», «саёз», бадиий савияси юқори, «юксак ижро маҳсули», «ижро маҳорати суст, паст», «мукаммал асар», «бўш», «янги, мустақил ижод маҳсули», «бошқа асарлар таъсири остида ёзилган» (ўғирланган, тақлид қилинган), «миллий услубда яратилган», «миллийликдан йироқ», «кўпчиликка манзур бўладиган, ёки тор доирадаги мухлислар боп» ва бошқа фикрларни, вужудга келтиради.

Айни шундай фикр, ҳис-туйғу, тасаввур, қарашлар ўқувчи шахсида мусиқий дидни шакллантириш даражасини белгиловчи мезонлар ҳисобланади.

Дарс жараёнида турли жанр, услубдаги, турли халқлар ва миллатларнинг мусиқа намуналари билан танишиш давомида ўқувчиларнинг муайян дунё қарашидан акс этган ҳаётдаги образлар таъсирида яшаш имкониятига эга бўладилар, турли эстетик кечинмаларнинг таъсирида уларда маънавий-эстетик фикрлар ўз-ўзидан вужудга келади. Бу эса аста-секин бадиий дидни шаклланишига олиб келади.

Ўқувчиларда билиши яъни билимнинг захираси қанча кўп тўпланса, улар ҳар хил санъат асарларидаги образларни, мазмунини, моҳиятини шунча тўла ва чуқур тушунишлари ва англашлари мумкин. Ижро этилаётган образларга ва улар орқали воқеликдаги ҳодисаларга, ҳиссий кечинмаларга эстетик муносабат ўқувчиларни бадиий-эстетик дидини тарбиялашдаги муҳим мезонлардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, Республикаимизнинг барча мусиқа ва санъат мактабларида бу борада илмий амалий ишлар олиб борилаётганлиги сабабли биз ишонимли ўқувчиларнинг мусиқий дидини ривожланиши бутун ҳаёти давомида дунёни ўрганишга бўлган интилувчанликни ҳам оширади.

Адабиётлар

1. Солиев А., Жабборова М. «Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари онгида миллий мусиқий оҳангларга мойилликни шакллантиришда миллий чолғуларнинг ўрни». Science and innovation international scientific journal 2022 № 1.
2. О. Ш. Нематилло кизи. «Бошланғич синф мусиқа маданияти дарслари жараёнида

- Ўқувчиларнинг муסיқий-бадий дидини шакллантириш». Магистрлик диссертация. Самарқанд 2012-йил.
3. Акрамзода Мирзоанвар. «Таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш услублари (педагогика ва санъат коллежлари мисолида). Магистрлик диссертацияси». Ташкент 2015-й.
 4. Р.С.Равшанбековна. «Ўқувчиларнинг муסיқий ҳис-туйғусини ривожлантириш ва бадий дидини ўстиришда янги таълим мазмунига қўйиладиган талаблар». Ижодкор ўқитувчи журнали. 2022 й. 24 сон.
 5. Аноров Т.Н. «Муסיқа Маданияти таълими ва тарбияси масалалари». Экономика и сотсиума. №6 (85) ч.1 2021.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада муסיқа мактабларида педогогларнинг муסיқий дидини шакллантириш мезонлари кўрсатиб ўтилади. Асосан муסיқий диднинг шаклланиши қадимдан бизга қадар қай даражада етиб келганлиги, ҳозирги кунда унинг ривожланиб ўзида мужассам этган мезонлари ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье будут рассмотрены критерии формирования музыкального вкуса педагогов в музыкальных школах. В основном речь идёт о том, в какой степени формирование музыкального вкуса дошло до нас из истории, критерии его развития и воплощения в настоящее время.

SUMMARY. The article outlines the criteria for the formation of musical taste of pedogogs in musical schools. Basically, it is said about the extent to which the formation of musical taste has reached us from history to us the criteria for which it is currently developed and embodied.

JAŃA ÓZBEKSTAN RAWAJLANÍWÍŃDA MÁDENIYAT ORAYLARÍ ISKERLIGI

G.A.Saparbaeva – docent

Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat instituti Nókis filiali

*“Ózin kamal taptira almağan insan, ózgeler kamalatın támiyinley almaydı”
Konfuciy*

Tayanch soʻzlar: madaniyat markazi, toʻgarak, boʻsh vaqt, havoskorlik, uslub, tarbiya, pedagogika, dam olish.

Ключевые слова: культурный центр, кружок, свободное время, самодеятельность, метод, воспитания, педагогика, отдых.

Key words: cultural center, circle, leisure time, enthusiasm, style, upbringing, pedagogy, recreation.

Mádeniy dem alıwdı shólkemlestiriw menen turmis keshirwindegi process shaxstın hárbir tarawğa bolğan belsendiligin asırıwğa járdem beredi. Sebebi mádeniy dem alıwda – shaxs óziniń aldına qoyğan maqsetleriniń jemisli nátiyjesine erisiw dárejesi kútilede. Oğan mádeniy orayları dep atalatuǵın mákemede shólkemlestiriletuǵın jumislardıń funkciyası hám iskerliktiń missiyasına múrajaat etilse maqsetke muwapıq boladı. Mádeniyat oraylarında alıp barılatuǵın jumislardıń tiykarǵı maqseti sonnan ibarat – bunda insanlardıń pikirlewin rawajlandırıw, erkin bir-biri menen tıǵız baylanıslarda, múnásibette bolıw, bir-birin qollap-quwatlaw, sáwbetlesiw, mashqalalardı sheshiwde bir-birewge járdem beriw, jaslarǵa úlgi bolıw, olarǵa hárqanday iste motivaciya beriw, jaslardı isbilremenlikke úyretiw, háweskerlikti rawajlandırıw, bos waqıttı únemli ótkeriw, dógereklerdi

shólkemlestiriw, xalıqtın ruwxıy jetikligin támiyinlew máselelerinde rejeli jumislardı ámelge asırıwdıń jańa formaların alıp barıw hám nátiyje kórsetiw zaman talabı esaplanadı. Mádeniy aǵartıwshılıq jumislardıń sistemasında, mádeniyat oraylarında xalıqtın keń qatlamınıń dem alıwın shólkemlestiriwshi orayǵa, olardıń baslaması hám ǵárezsiz iskerligine súyenetuǵın orayǵa óz aldına wazıypa belgileniwi kerek. Házirgi mádeniyat orayları óz dáwirinde «Klub» ataması menen atalıp kelgen. Klubtıń áhmiyeti hám funkciyasınıń tikkeley xarakteristikasını atap ótsek, klub bos waqıtta sociallıq turmıstın oraylarınan biri sıpatında insaniyat tariyxında tereń dereklerde iye bolğan. Klub jumislarında dóretiwshilikti kamal taptırıw, qábiliyetlerdiń jasırın táreplerin ashıw menen bir qatarda, háweskerlikti rawajlandırıwǵa umtulıwshańlıqtı qalıplestiriwdiń eń xarakterli